



ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ

№1
26 МАРТ

2020

Конференцияга қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар қабул қилинади:

1. Санъат ва маданият фанлари
2. Тарих фанлари
3. Фалсафа фанлари
4. Филология фанлари
5. География фанлари
6. Педагогика фанлари
7. Психология фанлари
8. Социология фанлари
9. Ижтимоий-гуманитар фанлари
10. Жисмоний маданият

I^CI WORLD of JOURNALS

Google Scholar

RI Academic Resource Index ResearchBib



<http://oac.dsmi-qf.uz>

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTINING
FARG'ONA MINTAQAVIY FILIALI

“ORIENTAL ART AND CULTURE” ILMIY-METODIK JURNALI

“O‘ZBEKISTONDA ILM- FANVA TA’LIM”

KONFERENSIYASI TO‘PLAMI(3-
QISM)

26 Mart 2020 yil



Qo'qon shahri

O'ZBEKISTONDA ILM-FANNI RIVOJLANTIRISHNING TA'LIM

MUSSASALARIDAGI USTUVOR VAZIFALARI SIFATIDA

Abdullayev Yo'ldi Ziyayevich

yulchi-nvo@mail.ru

BuxDU

Аннотация: Мақолада Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш учун ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимида ўтказиш ҳамда кадрлар масаласига эътиборни қаратиш тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: кредит, компетент, модул, бозор, муассаса, механизм, меъёр, ҳуқуқ, стандарт, халқаро.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан давлатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, айниқса, олий таълим тизимидаги ўзгаришлар эътиборни тортмай қўймайди. Чунки, таълим сифатини ошириш, олий ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, олий таълимга қамровни тобора ошириш кабилар мамлакатимизнинг дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, охириги 3 йил давомида мамлакатимизда таълимни бошқариш ҳамда ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш муаммоларини тизимли-инновацион ёндашув билан ҳал этишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди ва яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда ОТМлар моддий техник базасини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018-йил 5-июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимини янги босқичга олиб чиқди ва у ўз натижасини бермоқда.

Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашдаги муҳим қадам саналмиш мазкур ҳужжат олий таълим тизимини ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилишига асос бўлди. Жумладан, қарорда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга тўсиқ бўлиб келаётган бир қатор

муаммолар, бугунги кунда учраётган оғриқли нуқталарни бартараф этиш

чоралари белгилаб берилди. Президентимизнинг 2019-йил 8-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда назарда тутилган мақсадлар олий таълимни модернизация қилиш билан бирга, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари фармонида кўрсатиб ўтилганидек олий таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик ривожланиши орқали юртимизда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ошади. Бу эса соҳада соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантириш учун таъкидлаб ўтилганидек, умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчиларини олий таълим муассасаларига қамраб олинишига эришилади ва бу рақобат бўлиши сифат ошишига хизмат қилади. Натижада, Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар, мутахассислар кўпайишига, аҳолининг олий маълумотли қатлами ортишига ёрдам беради. Бу эса Ўзбекистон халқининг савиясини ошишига катта ҳисса қўшади.

Юртимиздаги Олий таълим муассасалари нуфузли хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликлар ўрнатиб, талабалар ва ўқитувчиларнинг академик ва илмий соҳаларда алмашинувини оширишга эришилади. Олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш долзарб муаммолигини айтиб ўтиш керак. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш назарда тутилаётгани ушбу мақсадларга эришишда айнаи муддаодир. Чунки ўқитиш жараёнида кредит тизими асосида таҳсил олган талаба эртага касбий компетентлилик ва ноодатий вазиятларда қарор қабул қила оладиган, жамоада ишлаш, ахборотни мустақил олиш, таҳлил қилиш, самарали фойдаланиш, ўзгарувчан вазиятларга мослашувчан мутахассис кадр бўлиб етишади.

Дунё бўйлаб илм-фан тўхтовсиз ривожланиб борар экан, ҳар бир мамлакат ўз тараққиётини илм-фансиз, унинг ютуқларисиз тасаввур қила олмайди. Айнаи мана шу сабабми, сўнгги йилларда ривожланган давлатлар бюджетидан илм-фанни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам илм-фанга эътибор бир мунча кучайган бўлса-да, лекин жуда кўп муаммолар ҳали-ҳануз ўз ечимини кутиб турибди. Шу ўринда илм-фан соҳасидаги энг муҳим жиҳат — кадрлар

масаласига эътибор қаратмай иложимиз йўқ. Боиси, маълум бир илмий доирадаги кадрларнинг салоҳиятини ривожлантирмай туриб, ушбу минтақадаги илм-фаннинг ривожланишига эришиб бўлмайди. Малакали, кучли билимли ва замон билан ҳамнафас кадрларни етиштириш эса худди мана шу йўналишларда қилиниши керак бўлган энг муҳим қадамлардан бири бўлиши даркор. Ўз- ўзидан, бундай кадрларни етиштириб чиқаришда ўрта умумий, ўрта махсус ва олий таълимдаги ўқитиш жараёни билан боғлиқ ҳар бир жиҳат бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши, талабга жавоб бермайдиган томонлари зудлик билан қайта ислоҳ қилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Фойдаланган адабиётлар

1. Таълим тўғрисидаги қонун.
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-мартдаги ПҚ-2909 сонли қарори. Тошкент шаҳри. 2017 й.
 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5-июндаги ПҚ-3775-сонли қарори. Тошкент шаҳри. 2018 й.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5-июндаги ПҚ-3151-сонли қарори. Тошкент шаҳри. 2018 й.

138.	S.Rahimov, V.Shukurov OLIV TA'LIMDA MULTIMEDIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI	480
139.	Бабашев Фархад Айтмуратович, Тангирбердиева Нилуфар Султанбой кизи ЎЛКАШУНОСЛИК МАТЕРИАЛЛАРИДАН ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТИЛ ЎРГАНИШ АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ	483
140.	Нусратова Шоира Иватовна САНЪАТШУНОСЛИҚДА БАДИЙ АСАРНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ	489
141.	Ражабова Роҳила Закировна XVIII-XIX АСР БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	493
142.	Қурбонова Мафтуна Фахриддиновна, Тоҳирова Мухайё Зоҳир кизи КОМПЕТЕНЦИЈАЛИ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	497
143.	Muminov Islomjon Arabboyevich, G'aniyeva Muhayyoxon Zoirjonqizi KRISTALL JISMLAR XARAKTERISTIKASINING RENTGEN NURLARI USULI YORDAMIDA O'QITISH METODIKASI	500
144.	Пулатова Умида Халиловна МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ	503
145.	Matkarimova Muhabbat Bekdurdyevna SHAXS KAMOLOTIDA KITOBNING O'RNI	508
146.	Abdirahimova Ziyodaxon Akmaljon qizi XALQ PEDAGOGIKASI- TARBIYA VOSITASI	512
147.	Turaeva Maftuna Boboyorovna THE SIGNIFICANCE OF DEVELOPING A FOREIGN LANGUAGE TEACHER'S PROFESSIONAL COMPETENCE	515
148.	Muzaffarova Hayitgul Nesibovna, Islomova Ozoda Sayfiddinovna ZAMONAVIY USLUBLAR YORDAMIDA TOVUSH TALLAFUZ BUZILISHLARINI KORREKSIYALASH	519
149.	Abdullayev Yo'lchi Ziyayevich O'ZBEKISTONDA ILM-FANNI RIVOJLANTIRISHNING TA'LIM MUSSASALARIDAGI USTUVOR VAZIFALARI SIFATIDA	522
150.	Feruza Asqaraliyeva KIMYOVIY MUVOZANAT VA UNGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR	525
